

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПАНЖИЕВ ШЕРЗОД СОХИБОВИЧ**

**СЕЛ-СУВ ОМБОРЛАРИДА ЛОЙҚА-ЧЎКИНДИЛАРНИ  
БОШҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.06-Гидротехника ва мелиорация қурилиши**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора Философии (PhD)  
потехническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Панжиев Шерзод Соhibович**

Сел-сув омборларида лойқа-чўкиндиларни бошқариш  
технологияларини такомиллаштириш..... 3

**Панжиев Шерзод Соhibович**

Совершенствование технологии управления наносами в  
селе-водохранилищах..... 23

**Panjiev Sherzod Sokhibovich**

Improvement of mud-sediment management technologies in flood  
reservoirs..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПАНЖИЕВ ШЕРЗОД СОХИБОВИЧ**

**СЕЛ-СУВ ОМБОРЛАРИДА ЛОЙҚА-ЧЎКИНДИЛАРНИ  
БОШҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.06-Гидротехника ва мелиорация қурилиши**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2023.1.PhD/T3525 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус,инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Янгиев Асрор Абдихамидович</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Д. Базаров</b> техника фанлари доктори, профессор <b>К. Назаров</b> PhD, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент архитектура-қурилиши университети</b>

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-71, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Т.З.Султанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.А.Гаппаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**М.Р.Бакиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобал иқлим ўзгариши натижасида табиатда табиий хавф-хатарларнинг пайдо бўлиш частотаси тобора кўпайиб бормоқда. Бундай табиий ҳодисаларга сел-тошқинларни мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистон республикаси ҳудудларида сўнгги ўн йилликда иқлим ўзгаришлари натижаси таъсирида сел-тошқинлар ва бошқа хавфли табиий ҳодисалар тез-тез содир бўлмоқда. Оқибатда эса бир неча соат ичида қисқа муддатли сел оқимлари экин майдонларни ҳамда сув ва сел-сув омборларидаги гидротехника иншоотларини шикастлантирмоқда. Шу сабабли, мавжуд сел-сув омборларида дала-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда уларнинг техник ҳолатларини ўрганиш ва ишончли, хавфсиз ишлаши бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, дарёлар оқимини ростлаш асосида сув ва сел-сув омборлари барпо этиш, сув ва сел-сув омборларидан хавфсиз ва самарали фойдаланиш ҳамда иншоотларнинг эксплуатацион ишончилиги ва фойдаланиш муддатларини узайтиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан мавжуд сув ва сел-сув омборларидан ишончли ва самарали фойдаланиш, лойқа-чўкиндиларни бошқариш усулларини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда сел-сув омборларини барпо этиш, иншоотлар самарадорлигини ва хизмат муддатларини ошириш ҳамда уларнинг ишончли эксплуатациясини таъминлаш, уларга келадиган лойқа-чўкиндиларни киришини олдини олиш ва бошқариш усулларини яратишга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясида “сув ва сел-сув омборлари ва бошқа сув объектларини хавфсиз ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш”<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан сел-сув омборларини дарё гидрологик режими ва улардаги лойқа-чўкиндиларни бошқаришга қаратилган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган назарий асослари ҳамда усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 9 октябрдаги ПК-4486 сонли “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида” ги,

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони.

“2021 йил 24 февралдаги ПК-5005-сонли Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси ” тўғрисидаги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дастлаб сел оқимининг механик таркиби ва физик хусусиятларини аниқлаш, сел оқимларининг динамик хусусиятларини, уларнинг тезлиги ва сарфини аниқлашнинг дастлабки ҳисоблаш усуллари билан, сел оқимининг характеристикаларини ҳисоблаш, сел хавфини башорат қилиш ва баҳолаш билан Кавказорти сув хўжалиги илмий-тадқиқот институти (ЗакНИИВХ), Грузия иншоотлар ва гидроэнергетика илмий-тадқиқот институти (ТНИСГЭИ). Кичик ва Катта Алмати ҳавзаларида Давлат гидрология институти, САНИИРИ (Ташкент), Туркмен НИИГ и М (Ашхабад) ларда бир қанча олимлар И.Г.Есман, М.Ф.Срибний, Д.Л.Соколовский, И.И.Херхеулидзе, Н.С.Дюрнбаум, П.В.Покровский, П. С. Непорожний, Ю.Б.Виноградов, А.И.Шеко, Б.И.Тевзадзе, М.М.Беручашвили, В.П.Мочалов, Б.С.Степанов, В.П.Пушкарёнок, Д.Х.Салихова ва бошқалар шуғулланганлар. Кейинги йилларда сел-сув омборларининг лойқа-чўкидилар билан тўлиб бориш жарёнларини ўрганиш, сув балансининг ҳисоблари ва сел-сув омборлари фойдали ҳажмининг ўзгаришини аниқлаш муаммолари бўйича А.М.Мухамедов, Ф.Ш.Мухамеджанов, Х.А.Исмагилов, В.А.Скрыльников, Э.Ж.Махмудов, М.Р.Бакиев, А.А.Янгиев, Д.Р.Базаров, Ф.Хикматов, А.М.Арифжанов, Ф.А.Гаппаров, М.Р.Икрамова, Г. Давронов, И.А.Ахмедходжаева ва бошқа кўплаб олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ва ижобий натижаларга эришилган. Олиб борилган илмий тадқиқотлар ва уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда сел-сув омборларида лойқа-чўкидиларнинг шаклланиш жараёнлари, уларни тўлиқ бошқариш технологиялари, улардан тозалаш бўйича илмий асосланган усуллари ишлаб чиқиш каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №2 муаммоси “Гидротехника иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш, ҳисоблаш, лойиҳалаш ва хавфсизлигини таъминлаш асосларини ишлаб чиқиш” 2.2 “Гидротехника иншоотлари конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш усуллари такомиллаштириш ҳамда ишончли ва хавфсиз фойдаланиш асосларини

рақамли технологиялар асосида ишлаб чиқиш” (2021-2023 йиллар) мавзусидаги ҳамда №01/2021-сонли “Томчилатиб суғориш технологиясида сув тиндиргич иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш (Амударё ҳавзаси мисолида)” мавзусидаги хўжалик шартномаси бўйича бажарилган лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** сел-сув омборларида лойқа-чўкиндиларни бошқариш технологияларини такомиллаштириш ва конструктив чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

сел-сув омборида сел тошқинлари даврида лойқа-чўкиндилар киришини олдини олиш бўйича мавжуд тиндиргичларни таҳлил қилиш;

дарёнинг тоғ олди қисмида жойлашган сел-сув омборида лойқа-чўкиндилар қатламининг шаклланиш жараёнлари бўйича дала тадқиқотларини ўрганиш;

сел-сув омборига тушадиган лойқа-чўкиндиларнинг физик-механик ва кимёвий хоссаларини таҳлил қилиш;

тоғ олди ҳудудларида сел-сув омборлари ўзанларидаги йирик тошларнинг ҳаракатланиш жараёнларини ўрганиш;

сел-сувомбори ўзанларида сел оқимини тўхтатиш усулларини ишлаб чиқиш;

сел-сув омбори кириш ўзанларида қуриладиган тиндиргичлар конструктив параметрларини асослаш;

**Тадқиқот объекти** сифатида Республикамиз ҳудудида фойдаланилаётган Қашқадарё вилоятида жойлашган Лангар ва Қалқама сел-сув омборлари танланган.

**Тадқиқот предмети**ни сел оқими параметрлари, лойқа-чўкиндилар физик-механик ва кимёвий хоссалари, йирик тошлар ҳаракатланиши ва тўхташи ҳамда тиндиргичлар параметрлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари:** Тадқиқот жараёнида дала шароитида гидрологик, гидравлик, геодезик тадқиқотлар олиб бориш усуллари, маълумотларни қайта ишлашда математик, статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

дарёнинг тоғ олди қисмида жойлашган сел-сув омборларида лойқа-чўкиндилар қатлами шаклланиши лойқа-чўкиндилар фракцион таркибини инобатга олиб асосланган;

сел-сув омборларида лойқа-чўкиндилар физик-механик ва кимёвий таркиби лойқа-чўкиндилар фракцион таркибини инобатга олиб аниқланган;

тоғ олди ҳудудларида сел-сувомборлари ўзанларида йирик тошлар ҳаракатланишини аниқлаш усуллари тошларнинг диаметрини инобатга олиб такомиллаштирилган;

сел-сув омборларида лойқа-чўкиндиларни бошқариш технологияси кириш ўзанларидаги тиндиргичлар орқали ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

дарёнинг тоғ олди қисмида жойлашган сел-сув омборларида лойқа-чўкидилар қатламининг шаклланишини аниқлаш имконияти яратилган;

сел-сув омборлари лойқа-чўкиндилярининг аниқланган физик-механик ва кимёвий хоссалари, уларни қурилиш материали сифатида ишлатишга имкон беради;

тоғ олди ҳудудларда сел-сув омборлари ўзанларида йирик тошларнинг ҳаракатланиши ва тўхтатилиши ҳисобига уларда селга қарши иншоотлар қуриш имконини беради;

Лангар сел-сув омбори кириш ўзанида қуриладиган тиндиргич сел-сув омборига кирадиган лойқа-чўкиндиляр ҳажмини камайтиради ва ундан хавфсиз фойдаланишга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тадқиқотлари натижасида олинган маълумотларни ва ҳисобларни адекватлиги, конкрет объектлар бўйича тиндиргичлар ўлчамларининг бажарилган ҳисоблар билан таққослаш орқали тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирда фойдаланилаётган ва қурилиши режалаштирилган тоғ олди ҳудудлардаги сел-сув омборларида лойқа-чўкиндилярни кириш ўзанларида бошқариш технологиясининг ишлаб чиқарилганлиги ва ҳисоблаш усулларининг такомиллашганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тоғ олди ҳудудлардаги сел-сув омборлари кириш ўзанларида тиндиргичлар қуриш орқали уларга лойқа-чўкиндилярнинг киришини олдини олиш ва сел-сув омборларини хавфсиз ишлаши таъминланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сел-сув омборларида лойқа чўкиндилярни бошқариш технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:сел-сув омборлари ўзанидаги йирик ташларнинг ҳаракатланиш жараёни бўйича ҳисоблаш натижалари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли Лангар сел-сув омборида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 25 февралдаги № 04/20-3244 сонли маълумотномаси). Натижада, сел-сув омбори ўзанидаги 1 см дан 20 см гача диаметрдаги йирик тошларни силжитиш тезлиги  $V=3.7$  м/с дан катталиги, яъни  $V=3.87$  м/с аниқланиб, тошларнинг режалаштирилган тиндиргичгача силжиб келиб, унда чўкиш имконияти яратилган;

сел-сув омбори ўзанида 1 см дан 20 см гача диаметрдаги йирик тошларнинг конус зонасида тўхтатиш ҳисоби Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли Лангар сел-сув омборида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 25 февралдаги № 04/20-3244 сонли маълумотномаси). Натижада, 1 см дан 20 см гача диаметрдаги йирик тошларни ўзан узунлиги бўйича 300 м масофада тўхтатиш имконияти яратилган;



сел-сув омбори ўзанида қурилиши режалаштирилган икки камерадан иборат тиндиргич, яъни биринчи камера ўлчамлари  $L1 \times b1 \times h1 = 300 \times 100 \times 2.0$ , иккинчи камера ўлчамлари  $L2 \times b2 \times h2 = 200 \times 80 \times 1.5$  ( $L1, b1, h1, L2, b2, h2$ -мос равишда, биринчи ва иккинчи камералар узунлиги, эни ҳамда чуқурлиги) Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги “Сув лойиҳа” МЧЖ га жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 25 февралдаги № 04/20-3244 сонли маълумотномаси). Натижада, Лангар сел-сув омбори ўзанида қурилган тиндиргичда лойқа-чўкиндиларни чўктириб, уларни бошқариш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 4 та Республика, 2 та хорижий журналларда, 5 та Scopus элетрон базасида нашр этилган. 2 та тавсиянома ишлаб чиқилган. Интеллектуал мулк агентлигига 2 та фойдали моделга патент, 1 та ЭХМ дастурига гувоҳнома олиш учун ариза берилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Сел-сув омборларининг лойқа чўкиндиларга кўмилиши ва уларни бошқариш масалалари бўйича мавжуд тадқиқотлар таҳлили” деб номланган биринчи бобида сел оқимлари бўйича умумий маълумотлар, сел оқимлари характерли параметрларини ҳисоблашнинг мавжуд усуллари таҳлили келтирилган. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг тоғли ва тоғ олди зоналари бўлган Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сурхандарё вилоятлари худудларидаги мавжуд селхоналардагикайд қилинган максимал сел оқимлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Қашқадарё вилояти бўйича кўп йиллик гидрологик материаллар сифатида 1988–2021 йилларда дала

шароитидаги изланишлар жараёнида қайд қилинган 30 дан ортиқ сув тошқинлари ва сел оқимлари юзага келиш ҳолатлари бўйича маълумотлар таҳлил қилинган. Ўрганилган сув тошқинлари ва сел оқимларининг асосий параметрлари қуйидагилардан иборат: максимал сув сарфлари 6,0...250 м<sup>3</sup>/с; оқимнинг лойқаланиш даражаси 5,0...215 кг/м<sup>3</sup>; оқимнинг ўртача тезлиги 1,7...6,5 м/с; оқимнинг ўртача чуқурлиги 0,4...2,8 м; оқимнинг кенглиги 8...55 м; каттиқ оқим муаллақ заррачалари ўлчамлари 0,001...0,5 мм; туб чўкиндилар ўртача диаметрлари 6...22 мм; лойқа оқим зичлиги 1,008...1,12 т/м<sup>3</sup>; қаттиқ оқим ҳажми 1,8...380 минг м<sup>3</sup>; сув тошқини ёки сел оқими давомийлиги 8...30 соат. Табиий дала шароитидаги тадқиқотлар натижаларини ва ушбу соҳадаги мавжуд материалларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш асосида, сел тошқинлари лойқаси параметрларини қуйидагича аниқлаш таклиф этилган.

Муаллақ чўкиндилар бўйича сел тошқинининг максимал лойқалик даражаси қуйидагича аниқланади.

$$\rho_{\max} = A (M_{\max} \cdot I_x)^{0.23} \cdot J_c^{0.41} \cdot K_1 K_2, \text{ кг/м}^3 \quad (1)$$

бу ерда:

$A$  – регионал шароитга боғлиқ равишда сув йиғиш зонаси юзасининг ювилишга мойиллигини инобатга олувчи коэффицент;

$I_x$  – ҳавза нишаблиги;

$I_c$  – сув манбаи нишаблиги;

$M_{\max}$  – максимал оқим модули.

$$M_{\max} = Q_{\max} / F \text{ м}^3/\text{с км}^2, \quad (2)$$

$Q_{\max}$  – максимал сарф, м<sup>3</sup>/с;

$F$  – сув йиғиш майдони, км<sup>2</sup>;

$K_1$  – сув йиғиш зонасидаги тақирликлар юзасини инобатга олувчи коэффицент;

$K_2$  – сув йиғиш зонасидаги ўт билан қопланган майдонларни инобатга олувчи коэффицент.

Сел тошқини бўйича муаллақ чўкиндилар оқими миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$W_{\text{мул}} = \rho_{\text{ўр}} \cdot W_{\text{ум}}; \quad (3)$$

Лойқа ётқизиқларининг умумий ҳажми:

$$W_{\text{ём}} = \rho_{\text{ўр}} \cdot W_{\text{ум}} / Y_{\text{чўк}}; \text{ м}^3 \quad (4)$$

$W_{\text{ум}}$  – сел тошқинининг умумий ҳажми;

$Y_{\text{чўк}}$  – чўкиндилар ҳажмий оғирлиги.

Дала шароитида ўтказилган изланишлар натижаларига кўра, умумий каттиқ оқим миқдорига нисбатан туб чўкиндилар миқдори 4 – 12 % ташкил этиши мумкин. Шунинг учун, туб чўкиндиларни инобатга олган ҳолда, сув тошқини бўйича умумий каттиқ оқим миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$W_{\text{ум}} = (1.04...1.12) W_{\text{мул}}; \text{ м}^3 \quad (5)$$

Ушбу бўлимда 20-асрнинг 40-50 йилларида сел оқимининг механик таркиби ва физик хусусиятларини аниқлаш, сел оқимларининг динамик хусусиятларини, уларнинг тезлиги ва сарфини аниқлашнинг дастлабки ҳисоблаш усуллари билан, сел оқимининг характеристикаларини ҳисоблаш, сел хавфини башорат қилиш ва баҳолаш билан Кавказорти сув хўжалиги

илмий-тадқиқот институти (ЗакНИИВХ), Грузия иншоотлар ва гидроэнергетика илмий-тадқиқот институти (ТНИСГЭИ), Кичик ва Катта Алмати ҳавзаларида Давлат гидрология институти, САНИИРИ (Ташкент), Туркмен НИИГиМ (Ашхабад)ларда бир қанча олимлар проф.И.Г.Есман, М.Ф.Срибний, Д.Л.Соколовский, И.И.Херхеулидзе, Н.С.Дюрнбаум, П.В.Покровский, П.С.Непорожний, Ю.Б.Виноградов, А.И.Шеко, Б.И.Тевзаде, М.М.Беручашвили, В.П.Мочалов, Б.С.Степанов, В.П.Пушкаренко, Д.Х.Салихова ва бошқалар шуғулланганлари қайд қилинган. Сел оқими ҳажмини аналитик аниқлаш учун Д.Л.Соколовский томонидан қуйидаги формула таклиф қилинган.

$$W = 1000 * h_a F \quad (6)$$

бу ерда:  $h_a$  — бир марталик лойқа қалинлигининг ҳавзанинг умумий ҳажмига бўлган нисбати, паст ва ўрта тоғли сел ҳавзалари учун 5-15 мм гача, юқори сел ҳавзалари учун 20-25мм гача қабул қилинади;  $F$  — сув йиғилиш майдони, км<sup>2</sup>. Сел оқимининг ҳажми ва унинг ўтиши аниқ вақтини  $T$  билган ҳолда тесқари тарзда, унинг ўртача сарфини аниқлаш ва максимал сарфи билан таққослаш мумкин.


$$Q_{CB} = \frac{W}{T} \text{ м}^2/\text{с} \quad (7)$$

Ушбу бўлимда сел оқимларининг қаттиқ таркиби ва уни ҳисоблаш усуллари ҳам таҳлил қилинган бўлиб, Ўзбекистон шароитида Р.Г.Вафин томонидан тоғолди дарёларининг сел ётқизиқларини ҳисоблашда қуйидаги тенглама таклиф қилинган.

$$W_{\text{ётқизиқ}} = (5400 * Q_{\text{макс}}^{1.4} * J^{1.46}) / d_{\text{ўр}}^{0.56} \quad (8)$$

бу ерда:  $Q_{\text{макс}}$  - селнинг максимал сарфи,  $J$  - ўзанининг нишаблиги,  $d_{\text{ўр}}$  - оқизиқларнинг ўртача диаметри.

Бундан ташқари, сел-сув омборлари ҳавзасида чўкинди қатламнинг шаклланиши ва ҳисоблаш усуллари таҳлил қилинган. (1-расм).




1-сел-сув омборини кириш жойида; 2,3,4,5- сел-сув омборини ўрта қисмида; 6- сел-сув омборини тўғони олдида

**1-расм. Сел-сув омборлари узунлиги бўйича чўкиндиларни (йириклиги ва лойқалиги) тақсимланиши**

Г. Давронов томонидан Чортоқ, Дехқонобод, Лангар, Қорабоғ, Шурабсой, Қизилсув, Қалқама, Қоратепа ва Қорасув сел-сув омборлари ҳақиқий бошқарув сиғимларини аниқлаш бўйича изланишлар ўтказилган

бўлиб, сел-сув омборларига сел тошқинлари даврида лойқа-чўкиндилар киришини олдини олиш бўйича конструктив чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани қайд қилинган. Таклиф этилаётган конструктив тадбирларни лойihalашда, биринчи навбатда сел-сув омборларининг юқори бьеф топографик шароити, сув манбааларининг гидрологик режими ва гидроузелларнинг эксплуатация жараёнлари инобатга олинган. Бунда асосан, юқорида қайд қилинган омилларга боғлиқ равишда сел-сув омборларига тушган лойқа оқимлар тарқалишини ва уларнинг чўкишини бошқаришдан иборат (2-расм).



а)- план; б) - бўйлама қирқими.

1-тўгон; 2-НДС зонаси; 3-табиий ўзан; 4-лойқа оқимни йўналтирувчи канал; 5-планда учбурчак шакли тиндиргич; 6-сув чиқазгич каллаг; 7-сув ташлама туннель; 8-сув чиқазгич затворлари; 9-туб чўкиндилар; 10-муаллақ чўкиндилар;


**2-расм. Сел-сув омборлари юқори бьефларига тушадиган лойқа оқимни бошқариш бўйича конструктив тадбирлар**

Бундан ташқари, яна бир нечта конструктив тадбирлар таҳлил қилинган бўлиб, уларда лойқа чўкиндиларнинг катта диаметрдаги заррачалари сел-сув омбори ичида қурилган тиндиргичларда чўктирилиши, майда диаметрдаги заррачалари эса сув чиқазгич орқали далага ўғит сифатида юборилиши тавсия қилинган.

Диссертациянинг “Сел-сув омборларида лойқа чўкиндиларнинг кириши ва чўкиш жараёнлари бўйича дала тадқиқотлари” деб номланган иккинчи бобида, тадқиқот объекти бўлган Қашқадарё вилояти Лангар ва Қалқама сел-сув омборларида олиб борилган дала-тадқиқотлари натижалари келтирилган. Иккала сел-сув омборлари ҳам мавсумий бошқариладиган бўлиб, ҳудудларни селдан ҳимоялаш ва суғориш мақсадида қурилган.

Қуйидаги диаграммаларда (3-расм) Лангар, Қизилсув, Қалқама ва Дехқонобод сел-сув омборларидаги 2015-2021 йиллардаги сел оқимлари ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Диаграммадан кўриниб турибдики, ўрганилган йилларда сел-сув омборларида сел оқимининг келиши ҳар хил, айниқса Лангар сел-сув омборида 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 3 баробар кўп миқдорда сел оқимлари келган. 2020-2021 йилларда эса камайиши кузатилган.

Сел оқимларининг кўп миқдорда келиши сел-сув омборларига ўзанлар орқали йирик тошлардан ташкил топган туб чўкиндилярнинг оқиб келишига ва уларнинг сел-сув омборлари хавзасида муаллақ чўкиндиляр билан қайта шаклланишига сабаб бўлмоқда. Юқорида тадқиқот қилинган сув омборларидаги лойқа-чўкинди ётқизиқлари характеристикаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, қаттиқ оқимнинг 90% дан ортиғини заррачалари  $d < 0,05$  мм бўлган грунтлардан иборат.



**3-расм. Қашқадарё вилоятидаги сел-сув омборларида 2015-2021 йилларда кузатилган сел оқимлари**

Лангар сел-сув омбори сув чиқариш ва сув ташлама иншооти ва чиқиш қисмларида сел оқими келиши оқибатида сезиларли шикастланишлар пайдо бўлганлиги кузатилган. Ўтказилган илмий-тадқиқот натижаларига кўра ушбу сел-сув омборларидаги лойқа-чўкинди ётқизиқларининг умумий ҳажмини қуйидагича аниқлаш мумкин:


$$W = R * n * K, \text{ м}^3; \quad (9)$$

бу ерда:  $n$  - эксплуатация даври, йил;  $R$  - юқори бьефга тушадиган лойқа-чўкиндилярнинг кўп йиллик ўртача миқдори (бир неча йиллик гидрологик маълумотларни таҳлил қилиш асосида аниқланади);  $K$  - шамол эрозияси, қирғоқлар емирилишидан сув омборига тушадиган лойқа-чўкиндилярни ҳисобга олувчи коэффициент ( $K=1,01-1,04$ ).

Лойқа-чўкинди ётқизиқлари механик таркибининг таҳлилига кўра, заррачалар диаметрлари ва уларнинг оғирлиги бўйича ўртача фоиз миқдори қуйидагича:  $d > 0,5$  мм - 0,1 % ;  $d = 0,25-0,5$  мм - 0,79% ;  $d = 0,1-0,25$  мм -

2,33%;  $d= 0,05-0,1$  мм - 53,22%;  $d= 0,01-0,05$  мм - 13,46%;  $d= 0,005-0,1$  мм - 8,92%;  $d<0,005$  мм - 21,18%;  $d_{\text{yp}}= 0,05$  мм.

Ушбу бўлимда Лангар, Деҳқонобод ва Шурабсой сел-сув омборларида юқоридаги эмпирик формуладан фойдаланган ҳолда 2025-2030 йилларгача лойқа-чўкиндилар миқдори башоратлари ҳисоблари келтирилган бўлиб, сел-сув омборлари фойдасиз ҳажмлари ҳозирги кунда лойқа-чўкиндиларга тўлиб қолганлиги ва келажақда янада ортиб бориши кузатилган. Қуйидаги 4-расмда Лангар сел-сув омбори учун лойқа чўкиндилар миқдори ўзгаришини башоратлаш графиги келтирилган.




**4-расм. Лангар сел-сув омборидаги лойқа-чўкиндилар миқдорининг ўзгаришини башоратлаш графиги**

Демак, юқоридаги сел-сув омборларида дала кузатувларини давом эттириш натижасида лойқа-чўкиндиларнинг келиш миқдорини камайтириш бўйича ҳамда улардан тозалаш бўйича конструктив ва эксплуатацион чоратadbирлар кўриш лозим. Ушбу ҳисоблар Наманган вилоятидаги Косонсой, Резаксой ва Жийдалисой сел-сув омборлари учун ҳам бажарилган.


Бундан ташқари, ушбу бўлимда Лангар ва Қалқама сел-сув омборлари учун лойқаларнинг физик-механик ва кимёвий хоссалари ҳам таҳлил қилинган. Бунинг учун, 2021 йил июль ойида Лангар ва Қалқама сел-сув омборларида чўккан лойқаларнинг физик ва кимёвий таркибини аниқлаш бўйича намуналар олиниб, уларнинг физик-механик ва кимёвий хоссалари “Гидропроект”АЖ лабораториясида таҳлил қилинган.

Лойқаларнинг гранулометриқ таркиби тўғрисидаги таҳлиллар натижалари қуйидаги диаграммада келтирилган (5-расм).



**5-расм. Лангар ва Қалқама сел-сув омборлари хавзаларидаги лойқа-чўкиндилар гранулометриқ таркиби**

Таҳлиллар шуни кўрсатадики Лангар сел-сув омбори косаси намуна олинган ўрта қисмида 0.005-0.002 мм гача 29.93% ни, 0.01-0.005 гача 21,36% ни, 0.05-0.01 мм гача 21.36, 0.1-0.05 гача 25.35 % ни, 0.25-0.1 мм гача 0.6% ни 0.5-0.25 мм гача 0.8% ни, 1.0-0.5 гача 0.6% ни ташкил қилган, яъни 0.05мм дан кичик заррачалар миқдори 80% гача етмоқда. Қалқама сел-сув омборида эса лойқа-чўкиндиларнинг гранулометриқ таркиби ҳам Лангарники сингари тарқалган, фақат унда лойқалар майда кум шаклида. Қуйидаги диаграммада Лангар ва Қалқама сел-сув омборлари хавзаларидан намуна олинган лойқа-чўкиндиларнинг кимёвий таркиби келтирилган (6-расм).



**6-расм. Лангар ва Қалқама сел-сув омборлари хавзаларидаги лойқа-чўкиндилар кимёвий таркиби**

1-жадвалда эса Лангар ва Қалқама сел-сув омборлари хавзаларидан намуна олинган лойқа-чўкиндиларнинг ёпишқоқлик кўрсаткичлари келтирилган.

**Лангар ва Қалқама сел-сув омборлари хавзаларидаги лойқа-чўкиндилар кимёвий таркиби**

№	Намуна олинган сел-сув омборлари	Ўпишқоқлик кўрсаткичи, %		
		Юқори чегара, W1	Қуйи Чегара, Wp	Ўпишқоқлик сони, Wn
1	Лангар сел-сув омбори ПК 10-53	33,35	25,21	8,14
2	Лангар сел-сув омбори ўрта қисми	40,68	26,45	14,23
3	Қалқама сел-сув омбори ўрта қисми, оголовкани ён қисми	27,50	24,25	3,25
4	Лангар сел-сув омбори сув ташлама иншооти ён қисми	45,15	28,23	16,92

Сел-сув омборлари лойқа-чўкиндилар кимёвий таркиби таҳлиллари шуни кўрсатадики, Лангардаги чўкиндиларнинг ўпишқоқлик даражаси Қалқаманикига қараганда анча юқори ҳамда иккаласида ҳам SO<sup>4</sup>, Са<sup>2+</sup> миқдори юқори даражада.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Лангар сел-сув омборидаги лойқаларни ўпишқоқлиги юқори бўлганлиги сабабли ғишт заводларида қурилиш материаллари сифатида ишлатиш мумкин. Қалқама сел-сув омборидаги лойқаларни эса ўпишқоқлиги паст бўлганлиги сабабли, майда қум сифатида қурилишда ишлатиш мумкин.

Диссертациянинг **“Сел-сув омборларида лойқа-чўкиндиларни бошқариш бўйича конструктив чора-тадбирлар”** деб номланган учинчи бобидан, тоғ олди ҳудудларидаги сел-сув омбори ўзанларида шағал-тошлар оқишини юзага келтирувчи сабаблар проф. Х. Исмагилов ва бошқалар тадқиқотлари бўйича Подшаотасой дарёси мисолида ўрганилиб чиқилган ҳамда Лангар сел-сув омбори ўзани учун ҳисоблар бажарилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Лангар сел-сув омбори ўзанларида оқим тезлиги 4.0-5.0 м/с ни ташкил қилади, яъни 1 см дан 20 см гача бўлган диаметрдаги тош-шағалларни ҳаракатга келтирувчи тезликдан (V=3.7 м/с) катта. Шу сабабли, ўзанларда тош-шағаллар сел-сув омбори томон ҳаракатланиб боради. Қашқадарё вилояти Лангар сел-сув омбори шароитида максимал сел оқими 30...60 м<sup>3</sup>/с ни ташкил қилади, ушбу сув сарфи сел-сув омборига 35...60 минг м<sup>3</sup> қаттиқ оқимни олиб келади. Демак, сел-сув омборига тош-шағалларнинг етиб бормаслиги учун уларнинг ўзан тубида ҳаракат қилишини инобатга олиб, тош-шағаллар йўлида тўсиқлар барпо этиш лозим. Бундай ечимни ўзанларда тиндиргичлар қуриш йўли билан амалга ошириш мумкин.



Сел оқими келадиган ўзанлардаги йирик тошларнинг ҳаракатланиш жараёни проф. Тевзадзе тадқиқотлари бўйича ўрганилган бўлиб, қуйида тошларнинг белгиланган вақт ичида силжиш масофалари ҳисоби келтирилган.


Лангар сел-сув омбори ўзанида йирик тошларнинг силжиши масаласи кўриб чиқилган. Ўзанининг тўғри чизиқли участкасида катта шарсимон шаклидаги тош сув оқими ва ўз оғирлиги таъсирида ўзан юзаси бўйлаб силжимокда. Тўғри бурчакли ўзан ва тош оқимининг гидравлик параметрлари қуйидагилардан иборат: оқим чуқурлиги  $H = 1$  м, ўзан кенглиги  $B = 25$  м, сув оқимининг нишаблиги  $i = 0,013$ , сув зичлиги  $\rho_c = 1000$  кг / м<sup>3</sup>, ўзанининг гидравлик қаршилик коэффиценти  $K_q = 0,5$ , ғадир-будурлик коэффиценти  $n = 0,028$ , тош диаметри  $d = 0,2$  м, тош зичлиги  $\rho_T = 2650$  кг / м<sup>3</sup>, ишқаланиш коэффиценти  $f = 0,43$ , тошнинг ҳаракатланиш вақти  $t = 100$  сек. Ҳисоблар натижалари қуйидагича:

$$x = V_B t - \frac{\ln(EV_B t + 1)}{E} = 3,87 \cdot 100 - \frac{\ln(0,0312 \cdot 3,87 \cdot 100 + 1)}{0,0312} = 304,54 \text{ м.}$$


Шундай қилиб, 100 секундда тош 304,54 м масофага етиб боради. Тошнинг ҳаракатланиш тезлиги:

$$V_x = \frac{304,54}{100} = 3,05 \text{ м/с.}$$


Қуйидаги 7.8.9-расмларда тош диаметри ва унинг ҳаракатланиш тезлиги, ҳаракатланиш масофаси, ҳаракатланиш вақти орасидаги боғланишлар келтирилган. Қуйидаги графиклардан кўриниб турибдики, тошларнинг катталиги ошиши билан уларни ҳаракатга келтирувчи тезлик ва ҳаракатланиш вақти ошиши ҳамда мос равишда ҳаракатланиш масофаси камайиши кузатилади. Лангар сел-сув омбори ўзанида режалаштирилган тиндиргичлар биринчи камерасида 0.20 м ва ундан кичик диаметрдаги тош ва чўкиндиларни чўктириш кўзда тутилган. Ҳисоблар бўйича ушбу натижалар 300 м узунликда чўкишини кўрсатади.



7- расм. Лангар сел-сув омбори сув олиб келиш ўзанидаги тошларнинг ҳаракатланиш тезлиги



8- расм. Лангарсел-сув омбори сув олиб келиш ўзанидаги тошларнинг вақт давомида ҳаракатланиш масофаси



9- расм. Лангарсел-сув омбори сув олиб келиш ўзанидаги тошларнинг ҳаракатланиш вақти

Бундан ташқари, Лангар сел-сув омбори ўзанида қуриладиган тиндиргичлар ўлчамларини аниқлаш учун боғланган сел оқимининг кенгайтирилган конус шаклидаги участкада тўхтатилиши ҳисоблари бажарилган. Қуйида Лангар сел-сув омбори ўзанида сел оқимини тўхтатиш ҳисоби келтирилган. Бунда дастлабки параметрлар:  $V_0 = 3.87$  м/с;  $\lambda = 0.04$ ;  $b_0 = 25$  м;  $\text{tg}\theta = \text{tg}12^\circ = 0.21$ ;  $\text{tg}\theta_1 = \text{tg} 60^\circ = 1.73$ ;  $H_0 = 1$  м;  $\omega_0 = 25 \cdot 1 = 25$  м;  $Q = 96.71 \cdot 5 = 483.55 \text{ м}^3/\text{с}$ ;  $i_{\text{тр.з.}} = 0.16$ ;  $i_{\text{к.в.}} = 0.02$ ; унда  $K_{\text{ўр}} = 8.0$ . Ҳисоблар бўйича ўзан транзит зонаси чиқиш қисмидан  $x_1 = 100$  м масофадаги сел оқимининг параметрлари ва зона ўлчамлари қуйидагича:  
Створдаги оқим тезлиги:

$$V_1 = 5 \sqrt{\frac{96.71}{0,04 \cdot 8,0 \cdot 25 \cdot 100 + 0,04 \cdot 10000 \cdot 0,2 + 96.71}} = 1.57 \text{ м/с.}$$

Створдаги оқим сарфи:

$$Q_1 = \frac{483.55}{8,0 \sqrt{\frac{96.71}{8,0 \cdot 0,04 \cdot 25 \cdot 100 + 10000 \cdot 0,04 \cdot 0,21 + 80}}} = 192.08 \text{ м}^3/\text{с}.$$

Конус участкасини текислайдиган шартли сел "сарфи":

$$Q_{тек.} = Q_0 - Q_1 = 483.55 - 192.08 = 291.46 \text{ м}^3/\text{с}.$$

Ушбу участкадаги ўртача оқим тезлиги:

$$V_{1\ddot{y}p} = \frac{V_0 + V_1}{2} = \frac{3.87 + 1,57}{2} = 2.72 \text{ м/с}.$$

Оқимнинг аралашиш вақти:

$$t_1 = x_1 / V_{1\ddot{y}p} = 100 / 2.72 = 36.74 \text{ с}.$$

Биринчи участкадаги  $t_1$  вақт ичида чўкиндилар ҳажми:

$$W_1 = Q_{1\ddot{y}p} \cdot t_1 = 337.81 \cdot 36.74 = 12412 \text{ м}^3.$$

Биринчи участкадаги оқим ўртача чуқурлиги:

$$H_{1cp} = Q_{1c} / b_{1cp} \cdot V_{1cp} = 337.81 / 46.0 \cdot 2.72 = 2.12 \text{ м}.$$


Сел оқими табиий қиялиги бурчагини ҳисобга олган ҳолдаги оқим кенглиги, унда :

$$\theta_1 = 60^\circ \text{ватг} \theta_1 = \text{tg} 60^\circ = 1.73:$$


$$b_1^l = b_1 + H_1 \text{tg} \theta_1 = 75.0 + 1.82 \cdot 1.73 = 79 \text{ м}.$$

Юқоридаги ҳисоблар шуни кўрсатадики Лангар сел-сув омбори ўзанида режалаштирилган тиндиргичлар биринчи камераси узунлиги 100 м, кенглиги 79 м ни ташкил қилган. Тиндиргичнинг кенглиги конструктив равишда 100 м, чуқурлиги эса 2 м олиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу бўлимда Лангар сел-сув омбори кириш ўзанида куриладиган тиндиргичлар конструктив параметрлари асосланган. Лангар сел-сув омбори кириш ўзанида олиб борилган дала тадқиқотлари шуни кўрсатадики биринчи тиндиргич камераси сел-сув омбори кириш қисмидан 4 км узоқликда жойлашади. Унинг ўлчамлари қуйидагича  $L_1 = 300$  м, эни  $b_1 = 100$  м бўлиб, табиий ўзан энидан, 1.5 марта катта  $h_1 = 2.0$  м; Биринчи камерада ҳисоблар бўйича 0.20 м дан кичик тошлар ҳамда 0.5-1 мм катта диаметрдаги лойқалар чўктирилади. Иккинчи камерада эса 0.05-0.5 мм диаметрдаги лойқалар чўктирилади. Иккинчи камеранинг ўлчамлари қуйидагича: иккинчи камера бирини камера билан туташган бўлиб, узунлиги  $L_2 = 200$  м, эни  $b_2 = 80$  м, табиий ўзан энидан 1.20 марта катта, чуқурлиги  $h_2 = 1.5$  м. 0.05 мм диаметрдан кичик лойқалар сел-сув омбори косасига тушиб улар сув чиқазгич орқали каналга ўтказилади ҳамда далада ўғит сифатида ишлатилади. Тиндиргичлар ўлчамлари Лангар сел-сув омбори шароити учун конструктив равишда қабул қилинди. Ушбу тиндиргич конструкциясига **“Сел-сув омбори сув келтирувчи ўзанида лойқа чўкиш жараёнини бошқариш мосламаси”** номли фойдали модел учун Интеллектуал мулк агентлигига патентга ариза берилган (10-11-расмлар).



10- расм. Сел-сув омбори сув келтирувчи ўзанида лойқа чўкиш жараёнини бошқариш учун тиндиргичлар



11- расм. Сел-сув омбори сув келтирувчи ўзанида лойқа чўкиш жараёнини бошқариш учун тиндиргичлар

Сел сув омбори косасига кириш қисмидан иккинчи камерагача бўлган масофа 4км, яъни ушбу зонада сув келтирувчи ўзаннинг кенгайган қисми мавжуд, одатда ушбу масофа 2-4 км деб қабул қилиш мумкин. Тошқинлик даврларида туб ва муаллақ чўкиндилар табиий ўздан биринчи камерага тушади ва текис ҳаракатланади. Натижада, биринчи камерада йирик тош шағаллар ва туб чўкиндиларнинг маълум бир қисми ( $d > 0,5 \dots 1,0$  мм) чўктирилади ва камера узунлиги бўйича оқим иккинчи камерага ўтади. Иккинчи камерада майда туб ва муаллақ  $d = 0,5 \dots 0,05$  мм ўлчамдаги чўкиндилар чўктирилади. Қолган  $d < 0,05$  мм ўлчамдаги муаллақ чўкиндилар сел сув омбори косаси томон ўтказилади. Улар муаллақ ҳолатда бўлиб, бир қисми сел сув омборидан вегетация даврида сув чиқазгич орқали пастки бьефга ўтказиб юборилади.

## ХУЛОСА

Сел-сув омборларида лойқа-чўкиндиларни бошқариш технологияларини такомиллаштириш мавзусида бажарилган илмий тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар таъкидланади.

1. Ўзбекистон Республикасининг тоғли ва тоғ олди зоналарида, яъни Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сурхандарё вилоятлари худудларида сўнгги 10 йил ичида содир бўлган фаол сел оқимлари тўғрисида маълумотлар таҳлил қилинди.

2. Дала тадқиқотлари Қашқадарё вилояти Лангар ва Қалқама сел-сув омборларида олиб борилди. 2015-2021 йиллардаги сел оқимлари ҳажми тўғрисидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, ўрганилган йилларда сел-сув омборларида сел оқимининг келиши хар ҳил, айниқса Лангарда 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 3 баробар кўп миқдорда сел оқимлари келган, 2020-2021 йилларда эса камайиши кузатилган. Натижада, сел-сув омбори ҳавзасининг лойқа-чўкиндилар билан тўлиши давом этмоқда.

3. Лангар сел-сув омбори косаси намуна олинган ўрта қисмида лойқа-чўкиндиларнинг гранулометриқ таркиби 0.005-0.002 мм гача 29.93% ни, 0.01-0.005 гача 21,36% ни, 0.05-0.01 мм гача 21.36, 0.1-0.05 гача 25.35 % ни, 0.25-0.1 мм гача 0.6% ни, 0.5-0.25 мм гача 0.8% ни, 1.0-0.5 гача 0.6% ни ташкил қилади, яъни 0.05мм дан кичик заррачалар миқдори 80% гача етмоқда. Бу кўрсаткич сел-сув омбори юқори ва сув ташлама қисми олдида 70-80% ни ташкил қилади. Қалқама сел-сув омборида эса лойқа-чўкиндиларнинг гранулометриқ таркиби ҳам Лангарники сингари тарқалган, фақат унда лойқалар майда кум шаклида.

4. Юқори бьефлардаги лойқа-чўкинди ётқизиқлари заррачалари ўлчамлари сел-сув омборларининг кириш қисмидан тўғон томонга қараб кичрайиб бориши билан характерланади. Юқори створларда асосан тош ва кум заррачаларидан ташкил топган ётқизиқлар юзага келганлиги аниқланди.

5. Лангар сел-сув омборидаги лойқаларни ёпишқоқлиги юқори бўлганлиги сабабли ғишт заводларида қурилиш материаллари сифатида ишлатиш мумкин. Қалқама сел-сув омборидаги лойқаларни эса ёпишқоқлиги паст бўлганлиги сабабли, майда кум сифатида қурилишда ишлатиш мумкин.

6. Лангар сел-сув омбори ўзанида йирик тошларнинг силжиши масаласи қуриб чиқилди. Лангар сел-сув омбори ўзанида 100 секундда тош 304,54 м масофага етиб боради. Тошнинг ҳаракатланиш тезлиги  $V_x = 3,87\text{м/с}$  ни ташкил қилади.

7. Лангар сел-сув омбори ўзанида кенгайтирилган конус шаклидаги сел оқимини тўхтатиш ҳисоби бажарилди. Ҳисоб бўйича ўзанда қанча миқдорда сел оқими лойқалари ҳажми аниқланди.

8. Кириш ўзанларида қуриладиган тиндиргичлар конструктив параметрларини асосланди. Тиндиргичлар Лангар сел-сув омбори кириш қисмидан 4 км узоқликда жойлашади. Унинг ўлчамлари қуйидагича  $L_1 = 300$  м, эни  $b_1 = 100$  м бўлиб, табиий ўзан энидан, 1.5 марта катта  $h_1 = 2.0$  м;

Биринчи камерада ҳисоблар бўйича 0.5-1 мм катта диаметрдаги лойқалар чўктирилади. Иккинчи камерада эса 0.05-0.5 мм диаметрдаги лойқалар чўктирилади. Иккинчи камеранинг ўлчамлари қуйидагича: иккинчи камера биринч камера билан туташган бўлиб, узунлиги  $L_2 = 200$  м, эни  $b_2 = 80$  м, табиий ўзан энидан 1.25 марта катта, чуқурлиги  $h_2 = 1.5$  м. 0.05мм диаметрдан кичик лойқалар сел сув омбори косасига тушиб улар сув чиқазгич орқали каналга ўтказилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ  
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ  
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**ПАНЖИЕВ ШЕРЗОД СОХИБОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ УПРАВЛЕНИЯ  
НАНОСАМИ В СЕЛЕ-ВОДОХРАНИЛИЩАХ**

**05.09.06- Гидротехническое и мелиоративное строительство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Ташкент – 2023**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована на сайте <https://mavzu/oak.uz> Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №B2023.1.PhD/T3525**

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Янгиев Асрор Абдихамидович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Д. Базаров**  
доктор технических наук, профессор

**К. Назаров**  
PhD, доцент,

**Ведущая организация:** **Ташкентский архитектурно-строительный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий д, 39, тел. (+99871)-237-06-71, факс (+99871)237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (регистрационный номер \_\_\_\_\_). Адрес 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий д,39, тел.(+99871)-237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года.

(реестр протокола рассылки №\_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года.)

**Т.З.Султанов**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н, профессор

**Ф.А.Гаппаров**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н. профессор

**М.Р.Бакиев**  
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в результате глобального изменения климата стремительно увеличивается частота возникновения стихийных бедствий в природе. В качестве примера таких природных явлений можно привести селевые наводнения. В частности, в Центральной Азии, в том числе на территории Республики Узбекистан, в последние десятилетия в результате изменения климата участились селевые наводнения и другие опасные природные явления. В результате кратковременные селевые паводки в течение десятков минут или нескольких часов повреждают мосты, дороги, каналы, поля, посевные площади, а также гидротехнические сооружения водохранилищ и селе-водохранилищ. В этой связи, важное значение имеет проведение натурных исследований на существующих селе-водохранилищах, а также изучение их технического состояния и разработка рекомендации по надежной и безопасной эксплуатации.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на эффективное использование водных ресурсов, возведение водохранилищ и селе-водохранилищ на основе регулирования речного стока, безопасное и эффективное использование водохранилищ и селе-водохранилищ, а также на обеспечение эксплуатационной надежности сооружений и продление срока их службы. В связи с этим, надежное и эффективное использование существующих водохранилищ и селе-водохранилищ, совершенствование методов управления наносами является одним из актуальных вопросов.

В нашей Республике осуществляются мероприятия по строительству селе-водохранилищ, повышению эффективности и срока службы сооружений, а также обеспечению их надежной эксплуатации, предотвращению попадания в них наносов и созданию методов управления. В Концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы определены задачи по «обеспечению безопасной и надежной работы водохранилищ и селе-водохранилищ и других водных объектов»<sup>1</sup>. Одной из важных задач является проведение научно-исследовательских работ, направленных на реализацию данных задач, в том числе разработку теоретических основ и методов, имеющих научное и практическое значение, направленное на управление речными гидрологическими режимами селе-водохранилищ и наносов в них.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года за № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», от 10 июля 2020 года за № УП-6024 «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», Постановлениях от 09.10.2019 года за № ПП-4486 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления водными ресурсами», от 24.02.2021 года за № ПП-5005 «Об утверждении

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 10 июля 2020 года № УП-6024 «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»

стратегии управления водными ресурсами и развития сектора ирригации в Республике Узбекистан на 2021 - 2023 годы», а также в других нормативно-правовых документах, касающиеся этой деятельности.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии Республики «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

